



РЕСПУБЛИКА ХОТИН — КИЗЛАР ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви ва раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бош вазир уринбосари, қўмита раиси Д.Ғуломов...

уларни мунтазам тиббий куриклан ўтказиш, ҳар томонлама жисмоний, маънавий соғлом авлодни камол топтиришга қаратилган ишларни янада жонлантиришни зарурлиги қайд этилди.

Қўмитанинг раёсат йиғилишида давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги Эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"...

З.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кун

ЯХШИЛИК УРУҒИ

Ғалла ўрим-йиғими бошланган кезлар эди. Устозим Баҳодир Раҳмонов билан саломлашиб келиш мақсадида уйига бордим. Алоҳида илтифот билан қарши олди. Доманинг уйи бугагагача экилган ғаллани кўриб кўзим қувнаб кетди. Ҳар бир бошиги чангалга симайди. Тўғриси, бунақасини биринчи марта кўришим. Бу — унинг шахсий кашфиёти экан. Бултур бошқа тумандан олиб келган урудан чагиштириб, бир нарча ерга экиб тажриба қилиб кўрибди. Бу йил эса ҳақиқий синовдан ўтган бу уруғга "Чияли нави" деб ном берибди. Ҳар бир бошқода ўртача 170, 180 талдан дон бор.

Ғалла эса кутилгандек. Ҳали бутун Чиялида шу навдан экилса керак. Уйининг ёнбошидан катта бир хона қурапти экан. «Бу нима ўзи?» деб сўрасам, «Синфхона бўлади», дейди домла. Йил бўйи бу ерда абитуриентлар ўқишга кириш учун тайёрланишди. Унинг уйда институтга кириш учун тайёрланганим ёдимга тушди. Мен ўқишга кирган йили доманинг 25 нафар шогирди ҳам ўқишга кирди. Уларнинг 10 нафари Тошкентдаги, қолганлари Қарши, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталари талабалари бўлишди. Бу кўрсаткич йилдан-йилга ошаверди. Устоз уйдан ўқувчилар аримай қолди.

Баҳодир Раҳмонов Низомий номидаги Тошкент дав-

лат педагогика институтида таҳсил қўрган. Олий ўқув юртини битиргач, институтда қўлиб ишлашни таклиф қилишди. Лекин у она қишлоғи Тоқчиға бориб, 90-мактабда ишлашни маъқул кўрди. Ҳанузгача шу даргоҳда виждонан ишлаб оғру-этибор топди. Ҳар йили битта янгилик қилиб тур-маса тинч ўтиролмайди. Унинг ўз туғилиб ўсган масканига меҳри банд. Ҳар доим «Чирокчининг Чиялисиданман», дея фахрланиди.

Баҳодир доманинг туман Халқ таълими бўлимида алоҳида хурмат билан ўтган йили Юрбошимизнинг фармони билан «Шухрат» медалига муносиб қўрилди. У она заминига ғалла уруғини меҳр билан қалагани каби ёшлар қалбига яхшилик уруғини сочишдан асло чарчамайди. Зеро, Баҳодир Раҳмонов навқирон йигит-қизлар келажаги учун қайғурадиган жонқуяр инсон, меҳрибон мураббий.

Фофур ЖАБИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган "Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартлари" асосида янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилиши, таълим-тарбия жараёнига бошқачма-бошқач жойрий этилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИКЛАР ТАНЛОВИ

Халқ таълими вазирлиги Осиё тараққийёт банкнинг "Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини назор этиш тизими" тақомиллаштириш лойиҳаси доирасида ўрта таълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари ҳамда замонавий дизайн талабларига тўла жавоб берадиган умумий дарсликлар яратиш юзасидан танлов эълон қилди.

Таъкидламоқ керакки, мустақиллик йилларида янги ўқув қўлланмалари яратиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Уларда миллий истиқлол ғоялари мазмунининг асосини белгилади. Лекин, мутахассисларнинг фикрича, шу пайтгача қўлланма келинаётган даяри барча дарсликлар мазмун жиҳатдан анча мураккаб. Бунинг сабаби, шўро замонида 70-йиллардан бошлаб дарсликлар мазмунини керактан ортиқ параканда мураккаблаштирилиб юборилган ва ҳажми ҳам ҳаддан зиёд катталашиб кетган. Бундай дарсликлар кўпроқ ўқувчига эмас, ўқитувчига мос келар эди.

Яратилаётган янги дарсликларда мазмун соддашлатирилди, ҳажми ҳам қисқарди. Ўқитувчилар учун эса методик қўлланмалар яратилди. Қўлланмадан нафақат ўқитувчилар, балки қўбиланган ўқувчилар ҳам қўшимча адабиёт сифатида фойдаланишлари мумкин.

Танловнинг асосий шартларидан бири дарсликларнинг дизайни замонавий бўлишига қаратилган. Аввалдан фарқи ўлароқ, бу жараёнда бевосита дарслик муаллифининг ўзи ҳам иштирок этади. Замонавий дарслик полиграфик жиҳатдан сифатида ва пухта бўлади. Амалдаги дарсликларнинг айримлари полиграфик жиҳатдан талаб даражасида эмаслиги сабабини бир йилга яроқсиз ҳолатга келтирмоқда. Янги дарсликлар полиграфик жиҳатдан мукамал бўлиб, улардан фойдаланиш муддати камида тўрт йилга мўлжалланган.

Танловда гўлиб чиққан дарсликларнинг тендер асосида чоп этиш йўлига қўйилди. Қайси босмахона дарсликни полиграфик жиҳатдан сифати, пухта ва арзон чоп этиб берадиган бўлса, ўша корхона билан шартнома тузилди. Мактаб дарсликларини яратиш танлови, чоп этиш эса тендер асосида амалга оширилиши рақобат руҳини вужудга келтирди. Рақобат эса тараққийёт омилидир.

Хулқар СОДИҚОВА, (ЎЗА).

Давра сўхбати

— Президентимиз фармониға кўра, Хоразм Маъмун академиясининг ташкил этилиши мамлакатимиз ҳаётида улкан воқеа бўлди, — дейди мазкур илм даргоҳининг раиси, академик Азимбой Саъдуллаев. — Зеро, илмий муассасамиз, хусусан, Хоразм минтақаси ҳаёти билан боғлиқ турли хил илмий муаммоларни баргараф қилиш асосларини яратиш ва уларнинг ҳаётга таътиб этилишини таъминлашдек долзарб масала ечимини топиши учун масъулдир. Минтақада илм-фаннинг халқ ҳўжалигининг турли соҳалари билан ҳамжиҳатлигини таъминлаш академиямизда, ҳозирча учта бўлим зиммасига юклатилган. Биология ва археология, тарих ва фалсафа, тил ва адабиёт бўлимлари қисқа вақт ичида Хоразмда сезиларли илмий тадқиқотчилик мўҳитини яратишга эришди.

Тарихий манбаларнинг воқиф этишича, яна уч йилдан кейин Хоразм Маъмун академиясининг ташкил бўлишига 1000 йил тўлади. Жаҳонга машҳур бобоқалон илмий марказнинг аъёналарини қабул қилиб олиш ва муносиб давом эттиришининг эса ўзи бўлмайди. Жамоатчи муҳбиримизнинг олимлар билан Хоразм Маъмун академиясида бўлиб ўтган давра сўхбати ана шу мавзуда борди. Сўхбатда илмий даргоҳ раиси А. Саъдуллаев, тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов, профессор М.Матнбёзов, ёш олим Ҳамид Юсупов ва бошқалар иштирок этишди.

МУХБИР: — Азимбой Саъдуллаев, сиз янги давр Хоразм Маъмун академиясига раҳбарлик қилаясиз. Илмий даргоҳ ҳақидаги сўхбатимизни ўзингиз бошлаб берсангиз. А. САЪДУЛЛАЕВ: — "Бораётганда эмас, қайтаётганда мактан!" — дейдилар. Қайта ташкил қилинган Хоразм Маъмун академиясининг илм-фан истиқболлари манзиллариға қараб йўлга чиққанға атиги тўрт йил бўлди. Академия учун бу унчалик кўп вақт эмас. Моломкин, Президентимиз айтганларидек, ўзбек давлатининг таълим тоши бундан 2700 йил муқаддам айнан Хоразм воҳасида қўйилган экан, илм-фан тараққийотисиз тўлақонли давлатнинг бўлиши мумкин эмаслигини назарда тутиб, даргоҳимизнинг тарихига тўхталик.

Милоддан аввалги VII аср бошларида исми Академ бўлган бир ёш афиналик олимияни ўйинларига қўлиб чиқди. Шунда Афина аэропарки (оқсоқоллар мажлиси) шайх чеккасидаги бир боғни муқофот тарида Академға ҳадя қилди. Кейинчалик бу боғ "Академ боғи" деб номланди. Платон даврга келиб, янги миллоддан аввалги VI аср охири — V аср бошларида бу боғнинг эгаси ал-лақачонлар ўлиб, у ташландиқ ҳолға келган эди. Платон илмий мактаб ташкил қилиб, ун ана шу Академ боғида жойлашган. Шундан сўнг Юнонistonнинг Оврёпо қисмидаги бу илмий мактаб шу боғ номи билан "академия" деб аталадиган бўлди. "Академия" сўзига Платон "олимияни чемпионидек қўлиб мактаб", яъни академик мактаб мазмунини жо қилган. Платон академияси қадимги илмий мактабларнинг мукаммали бўлиб, унда юксак билимли олимлар жам бўлишган.

Янгилишмасам, "Маъмун академияси" сўзини биринчи марта ўтган асрининг ўрталарида академик С.Толстов ишлатган. У билан деярли бир вақтда олим А.Юшкевич "Каттаги Маъмун Шининг академияси" деган иборани қўллаган. X асрининг охирида Боғдод халифалигидаги халифа ал-Маъмун асос солган "Байтул ҳикма"га эргашиб маҳаллий ҳокимлар ҳам атрофлариға олимларни тўплайдилар. Хоразмда аҳвол биров барқарор бўлган X асрининг охирида Маъмун I вафот қилиб, тахтға Абу Ҳасан Али ибн Маъмун ўтирди. 1004 йил бошида унинг таклифи билан хоризмда умргузаронлик қилаётган Беруний пойтахт Гурганчға ҳамроҳлари, шогирдлари билан келган. Натижанда Гурганчда Али Маъмун томонидан тўпланган олимлар гуруҳи мукамаллашди. 1004 йил Маъмун академиясининг тўла шаклланган йили деб қабул қилиниши мантққа мувофиқдир.

МУХБИР: — Академия нима сабадан Хоразмшўх Маъмун номи билан боғланади? А. АХМЕДОВ: — Гап шундаки, 990 йилларда Каттаги олимлар Гурганчға Маъмун I ибн Муҳаммад ибн Ироқ саройига олиб келидилар. 1002 йил охирида 1003 йил бошида бу ерга Бухоридан Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий ва бошқа олимлар таклиф қилинган. Лекин илмий жамоанинг ишларини йўлга қўйдиган муҳаррик этишимасди. Мухаррик Абу Райҳон Беруний бўлди. Яқин пайтгача олимларнинг бир гуруҳи Али ибн Маъмун урнига унинг укаси — Абу Аббос Маъмун Шининг ўтириши санаси 1009 йил, Берунийнинг академия раҳбарлигидан ташқари Маъмун Шининг маслаҳатчиси қилиб тайинланган даврини ҳам белгилаш натижасида Гурганч академиясини Маъмун Шини билан боғлаб келган эдилар. Ҳар ҳолда Маъму-

нийлардан ана шу учинчи Хоразмшўх ўзининг адолатчилиги, халқларварлиги, соддаватчилиги ва олимларға катта муҳаббати билан тарихда из қолдирган. Шунинг учун "Маъмун академияси" деганда ана шу Маъмун II ҳам (1009 — 1017) назарда тутилди. Аслида эса бу илмий муассасанинг юзга келиш тарихи Маъмуний Хоразмшўхлар сулоласи қисқа

амалға оширилган. Маълумки, Беруний оғир шароит мавжудлигиға қарамай Ибн Сино билан, у Бухорода турганида, гоҳ Рай, гоҳ Гургон, гоҳ Хоразмда туриб ёзишмалар олиб борган. Мактублар бизгача етиб келган. Шулар орқали биз Берунийнинг фалсафий қарашлари билан танишимиз. Қолаверса, "Маъмун академияси"нинг олимлари ёзишмалар орқали

лум. Алломанинг улкан тарихий асарларидан бири "Қадимки халқлардан қолган ёдгорликлар" асари ҳисобланади. Унда хоразмликлар, сўдийлар, сак-массагет қабилалари, уларнинг тили, урф-одатлари, тарихий ўтмиши, Хоразмда илк ўзбек давлатчилигиға асос солиниши, Шарқ ва Ўрта Осиё халқлари, шунингдек, мисрликлар, юнонлик ва римликларнинг муфассал тарихий ўтмиши, байрамлари, ой ва йил ҳисоблари, турмуш тарзи ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Иккинчи йирек тарих ва этнографияға доир асар "Ҳиндларнинг ақига сиғидиган ва сиғмайдиган таълимларини аниқлаш китоби"дир. Бу "Ҳиндистон" номи билан ҳам машҳур. Буюк бобоми "Хоразм тарихи" номи асар ҳам яратган. Афсуски, бу асар бизгача етиб келмаган.

С. РЎЗИМБОВ:

— Беруний адабиётшунослик ва фольклоршунослик соҳасида ҳам кўпгина илмий ишлар яратди. Араб шериати таҳлилдиги, шунингдек, ҳинд шериатиға оид тадқиқотларини ёзди. Беруний форсий ва туркий халқлар фольклорига ҳам қизиқиш билан қараган. Улардан айрим намуналарини араб тилиға таржима қилган.

Г. МАШАРИПОВА: — Хоразм Маъмун академияси олимлари таркибидан аввал Абу Али ибн Сино ҳам бўлган. Муҳаммад Тоҳир ибн Абдулқосим қаламиға мансуб "Ажониб ут-табақот" қўлёлимасида маълумот берилишича, "Абу Али ибн Абдулло ибн Сино 24 ёшида ақлий, нақлий ва ризий илмларнинг ҳаммасидан хабардор бўлган".

Ҳудди шу фикрни Шарифжон Маҳдум Садр Зиё ҳам ўзининг "Тазкират шароит мутақаддимин" асарида билдирган. Ибн Синонинг биринчи устози ан-Ноилӣ асли хоразмлик бўлган. Унинг "Донишнома", 15 китобдан иборат "Усул илм ал-ҳандаса" асарлари математикаға оиддир.

Ибн Сино Хоразмда таъбаот билан шуғулланиб биринчи марта жароҳдиқ ишларини ҳам олиб борган. У тиббий илм маълумоти ҳам Абу Абдулло ан-Ноилӣдан ўрганган. Ибн Сино устозидан олган билими билан ки-фояланмасдан, ҳар бир олган билиминини амалда синая қўрган.

МУХБИР: — Албатта, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино сарчамаларида турган алоқамоларни синовласи келажакки ёш олимларнинг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Х. ЮСУПОВ: — Бугунги Хоразм Маъмун академияси ўз асосий хизматини қилиш билан бирга, айтиш мумкинки, иккинчи бир вазифани ҳам оид эта бошлади. Бу Хоразмнинг ёш олимларига ижод учун қўлай шарт-шароитлар яратиб, ишларини илмий жамоатчилик этиборига ҳавола қилиш, уларға илм майдонида йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериш, илмға чанқок истеъодлиқ ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, камол топтиришдан иборат.

Хоразм Маъмун академиясининг ривожланиши Хива шаҳрининг тараққийотига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Масалан, бу ерда яқинда Урганч давлат университетининг Агрономия, сув ҳўжалиги ва мелiorация ихтисослиги бўйича бўлими очилганили, ўйламанки, бутун минтақамизнинг аграр вазиятига ихосий таъсир этибтига қолмасдан, академиямизнинг келажакда иқтидорли ёш олимлар билан мустақамлашгани ҳам мумкин аҳамиятга эга бўлади.

А.САЪДУЛЛАЕВ: — Албатта, бир давра сўхбатида ўзининг узоқ ва улғур ўтмиши, муносиб бутуни ҳамда буюк келажак фикрида ҳаёт кечириётган, мамлакатимизнинг минг ёшга тўлаётган "Маъмун академияси" ҳамда унинг кенгайтилган вориси бўлиши Хоразм Маъмун академиясининг фаолияти ҳақида кўп гапни айтиб улгурши қийин. Назаримда, эл-юртинг диққат-этиборини ўзига торғатган ушбу академия фаолиятининг асосий мезони ва баҳосини келажак кўрсатади.

Сўхбатни муҳтабар АБДУЛҲАКИМ ёзиб олди.

1 ОКТЯБРЬ - Ўқитувчилар ва мураббийлар кун. Азиз устозлар ва мураббийлар! Байрамингиз билан самимий табрикларимизни қабул этинг. Сизларнинг меҳрибон қалбингиз ва оқиллигингиз келгусида ҳам республикамиз ёш авлодининг баркамол бўлиб ўсишиға ёрдам берсин! Сизларға бахт, соғлиқ, фаровонлик, шунингдек, эзгу ишингизда зафарлар тилаймиз. IZDUNROBITA cellular. DUYORIMIZ BO'YLAB BIZ BILAN

ЙЎЛСОЗЛАР КУРГАЗМАСИ. Тошкентдаги "Ўзйўлмасервис" заводининг кургазмалар майдонида йўл қурилишида ишлатиладиган техника воситаларининг халқаро кургазмаси очилди. Унда йўл қурилиши техникасини ишлаб чиқариш соҳасидаги дунёнинг етакчи корхоналарининг энг янги маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Кургазмада, жумладан, мамлакатимизнинг "Ўзйўлмасервис" заводи, "Ўзавтоўл" давлат акция-

тимларга мувофиқ қўлга киритган ва амалга оширилган ҳуқуқларини чеklang қўймайдиган даражада қўллади.

26-модда. Битимнинг амал қилишини тугатиш
Битимнинг амал қилиши у қанча муддатга тузилган бўлса, шунча муддат ўтганидан кейин ёки тарафларнинг келишувига биноан муддатидан илгари, шунингдек, бошқа асосларга кўра ва битимда назарда тутилган тартибда, битим имзоланган кундан буюн қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилади.

27-модда. Низоларни ҳал қилиш
Давлат билан инвестор ўртасидаги битим билан боғлиқ низолар битим шартларига мувофиқ судда, шу жумладан, халқаро арбитраж судларида ҳал қилинади.

28-модда. Тарафларнинг битимга оид жавобгарлиги
Тарафлар битимга оид ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун битимга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Қонун лойиҳаси бўйича тақлиф ва муҳофазаларини ўз ўрнида қўллаш ҳақидаги қўшимча қўшимчаларни ўз ичига олган қонун лойиҳаси Олий Мажлисининг Атроф муҳит ва табиатни муҳофазалаш масалалари кўмитасига қўйиладиган маъруза юборилишини сўраймиз:

700035. Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.
Телефонлар: 139-83-21; 139-85-50.

Буклаш чизиғи



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

МАҲСУЛОТ ТАКСИМОТИГА ОИД БИТИМЛАР ТЎҒРИСИДА

«Жалқ сўзи» — «Народное слово» 2001 йил

Киркиш чизиғи

этиш. Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан тегишли ихтисоси ва малакали ходимлар бўлмаган тақдирда чет эллик ходимлар белгиланган квоталардан ортқича жалб этилади;

битим бўйича ишларни олиб бориш учун техника, асбоб-ускуналар ва технологияларни фақат танлов асосида сотиб олиш (техника ва асбоб-ускуналарни тезкор олишни талаб қилувчи техноген фалокатлар ҳамда бошқа форс-мажор ҳолатлар бундан мустасно);

бажарилаётган ишларнинг атроф муҳитга зарарли таъсирининг олдини олишга, бундай таъсирнинг оқибатларини тугатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатишига олиб келган фалокатлар юз берган тақдирда етказилган зарар учун жавобгарликни суғурга қилиш;

битимга оид ишлар, шунингдек, битимга оид ишлар ўтказилган ҳудудни инфлосанишдан тўзалаш ишлари туғалланганидан кейин барча иншоотлар, қурилмалар ва бошқа мол-мулкни тугатиш ёки консервациялаш;

фойдали қазилма конларини излаш ва қидиришни муайян босқичлари туғалланган битим шартларига мувофиқ инвесторга фойдаланиш учун бериб қўйилган ҳудудни қайтариш.

13-модда. Битимга оид ишларни бажариш оператори
Битимга оид ишлар бажарилишини ташкил этиш, шу жумладан, ушбу Қонуннинг 21-моддаси қоидаларига мувофиқ ҳисоб-китоб юритиш ва ҳисобот беришни инвесторнинг тоширини асосида оператор амалга оширади. Фаолият соҳаси кўрсатиб ўтилган ишларни ташкил этиш билан чекланган бундай оператор тарихида инвестор томонидан ана шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ташкил этиладиган филиаллар ёки юридик шахслар ёхуд ана шу мақсадлар учун инвестор томонидан жалб этиладиган юридик шахслар, шу жумладан,

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда фаолият юритаётган чет эллик юридик шахслар иштирок этишлари мумкин. Бунда инвестор операторнинг ҳаракатлари учун ҳудуд ўз ҳаракатлари сингари давлат олдига мулкий жавобгар бўлади.

14-модда. Харажатларни қоплаш
Инвестор битимга оид ишларни бажариш давомида йўл қўйилган даражада қилган ўз харажатлари ўрни қоплашини ҳуқуқига эга.

Йўл қўйилган даражадаги харажатлар деганда инвестор ёки операторнинг ушбу Қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган навабдаги йилги ишларни бажариш учун бюджетга назарда тутилган харажатлари тушунилади. Йўл қўйилган даражадаги харажатлар миқдори чегараси битим билан белгиланади.

Инвесторларга фойдаланишга берилган ер қазри участкаларида фойдали қазилма конларини излаш ва қидиришга сарфланган йўл қўйилган даражадаги харажатларни қоплаш инвестор томонидан унга фойдаланиш учун ажратилган ер қазри участкасида қилиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотнинг бир қисми (бундан буюн матнда компенсация маҳсулоти деб юритилади) ҳисобидан, келишилган жадвал бўйича, тижорат мақсадида қазиб олиш бошланган кун тўғри келадиган календарь йилидан бошлаб, тижорат мақсадида қазиб олиш бошланган кундан кейинги йилда қилганидан кейинги йилда қазилмаларни тижорат мақсадида қазиб олиш бошланган кундан кейинги йилда қилганидан кейинги йилда қазилмадан харажатларнинг энг юқори даражаси белгилаб қўйилади.

Ушбу Қонун 5-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ инвесторларга фойдаланишга берилган ер қазри участкаларида йўл қўйилган даражадаги харажатларни

рақларида сақлаш, битимга оид ҳар қандай харажатлар ҳақини тўлаш, шунингдек, ана шу ҳисобварақлардаги маблағлар қолдирини эркин тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

23-модда. Битимга оид ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзга шахсга ўтказиш
Инвестор битимга оид ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман фақат давлатнинг розилиги билан ҳар қандай шахсга, агар бу шахсда битимга оид ишларни бажариш учун зарур миқдордаги молиявий ва техникавий ресурслар ҳамда бошқарув фаолияти тажрибаси бўлса, ўтказиш ҳуқуқига эга.

Битимга оид ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш битимнинг ажралмас қисми бўлган далолатнома тузиш орқали битимда белгиланган тартибда ва муддатларда содир этилади, бунда ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайта расмийлаштириш мазкур далолатнома имзоланган кундан эътиборан беш кун ичида амалга оширилади.

Давлатнинг розилиги билан инвестор ўзига тегишли мол-мулкдан ва (ёки) мулкий ҳуқуқлардан битимни ижро этиш муносабати билан тузилган шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқлаш учун қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда қазри шартномада фойдаланиши мумкин.

Агар битимда инвестор сифатида юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик шахслар бирлашмаси иштирок этаётган бўлса, бундай бирлашма иштирокчилари битим бўйича солидар ҳуқуқларга эга бўладилар ва солидар мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар.

24-модда. Битим шартларининг барқарорлиги
Битимнинг шартлари у амал қиладиган битим муддат мобайнида ўз кучини сақлаб туради. Фақат тарафларнинг розилиги билан битимга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилади.

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

МАҲСУЛОТ ТАКСИМОТИГА ОИД БИТИМЛАР ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади
Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудда конларни излаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни қазиб олишга инвестициялар киритилганда маҳсулот тақсимотида оид битимларни тузиш, ижро этиш ва бекор қилиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

2-модда. Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Маҳсулот тақсимотида оид битим
Маҳсулот тақсимотида оид битим (бундан буюн матнда битим деб юритилади) шартнома ҳисобланиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳақ олиш асосида ва муайян муддатга чет эллик инвесторга (бундан буюн матнда инвестор деб юритилади) битимда кўрсатилган ер қазри участкасида конларни излаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ҳамда шулар билан боғлиқ бўлган ишларни олиб бориш учун мулк ҳуқуқлар берилади, инвестор эса мазкур ишларни ўз маблағлари ҳисоби-

Киркиш чизиғи

Битимнинг амал қилиши инвестор ташаббуси билан, у ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажарган тақдирда, фойдали қазилмаларни иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда қазиб олишни туғаллаш ҳамда ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун етарли бўлган муддатга узайтирилади. Бунда ана шундай узайтириш шартлари ва тартиби битим билан белгиланади.

11-модда. Бошқарув кўмитаси
Битимни рўёбга чиқариш жараёнида тарафларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида инвестор ва ваколатли давлат органи ёки вакил қилинган компания биргаликда тарафларнинг ҳар биридан тенг вакиллик асосида бошқарув кўмитасини тузилади. Бошқарув кўмитасининг расминини инвестор тайинлайди.

Бошқарув кўмитаси: бажариладиган ишларнинг йиллик иш дастурларини тасдиқлайди; фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг йиллик ис-тиқоб кўрсаткичларини тасдиқлайди; фойдали қазилма конларини қидириш, ишга солиш ва қазиб олишга оид йиллик бюджетларни тасдиқлайди; заёмларни жалб қилиш шартларини тасдиқлайди; аудиторлик ташкилотини тасдиқлайди; ишлар амалга оширилиши муносабати билан контрактлар тақдим этиш учун тендер ким ошди савдоларини ўтказишни ташкил қилишда инвесторга кўмаклашади;

фойдали қазилмаларни тижорат мақсадида қазиб олиш бошланган кунни тасдиқлаб беради; атроф муҳитни муҳофаза қилиш дастурини тасдиқлайди; ҳақиқатда қанча фойдали қазилмалар қазиб олинганлиги ва маҳсулотнинг инвесторга тегишли қисми тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаб беради;

Буклаш чизиғи

бўйича йўл қўйилган даражадаги харажатларнинг тасдиқланган миқдорга нисбатан ҳар қандай ортқич кетиши, кейинчалик белгиланган тартибда қоплашни учун, бошқарув кўмитаси томонидан асосланганлиги ва тасдиқлангани лозим.

Йўл қўйилган даражадаги харажатларни қоплаш тартиби битим шартларига назарда тутилади.

15-модда. Маҳсулот тақсимоти
Қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот давлат билан инвестор ўртасида битимга мувофиқ тақсимланмоғи лозим бўлиб, битимда:

қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотнинг умумий ҳажмининг ва унинг қийматини аниқлаш; қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотнинг инвесторга компенсация маҳсулоти сифатида мулк қилиб бериладиган қисминини (шу жумладан, унинг энг юқори ёки энг паст чегара даражасини) аниқлаш;

қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотнинг излаш-қидириш ишлари ва ер қазри участкасини бошқа тарзда тасдиқ этиш ишларининг инвесторга фойдаланишга берилган натижаларига қилинган харажатларни қоплаш учун давлатга бериладиган қисминини аниқлаш;

фойдала қолган маҳсулотнинг тақсимлаш, бунда қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот деганда шу маҳсулотнинг ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўловларни тўлашга ишлатиладиган қисми, компенсация маҳсулоти, шунингдек, маҳсулотнинг қилган харажатлари учун давлатга компенсация мақсадида бериладиган қисми чегирлангандан кейинги ҳолатда тушунилади;

қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотнинг тегишли қисминини ёки шу қисм қийматига тенг эквивалентини давлатга бериш;

қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотнинг те-

Инвесторларга ёки битимга оид ишларни бажаришида иштирок этаётган операторларга материаллар етказиб бераётган, ишларни бажаряётган ва хизматлар кўрсатаётган юридик шахсларга — Ўзбекистон Республикаси резидентларига ноль даражали ставка бўйича қўйилган қиймат солиғи солинади.

Битимга оид ишларни олиб бориш учун мўлжалланган ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ инвестор томонидан ёки битимга оид ишларни бажаришида қатнашаётган бошқа шахслар томонидан олиб кирадиган товарлар, ишлар ва хизматлар, шунингдек, инвестор томонидан олиб чиқилган битимга мувофиқ унга тегишли бўлган маҳсулот божхона тўловларини тўлашдан овоз қилинади, божхона расмийлаштируви учун тўланадиган божхона йиғимлари бундан мустасно.

Олиб кирадиган моддий-техника ресурслардан белгиланган мақсадга номувофиқ фойдаланиш тақдирда, шу жумладан, улар ўзга шахсга берилган тақдирда божхона органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўланиши лозим бўлган барча божхона тўловларини ундириб олади.

21-модда. Ҳисобга олиш ва ҳисобот
Битимга оид ишларни бажариш чоғида инвесторнинг молия-ҳўжалик фаолиятини ҳисобга олиш ҳар бир алоҳида битим бўйича, шунингдек, унинг томонидан битим билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият бажариш тақдирда бундай ҳисобга олиш алоҳида олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш инвестор томонидан ёки унинг тоширини биноан оператор томонидан битимда белгиланган тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Битимга оид ишларни бажариш чоғидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ёки чет эл валютасида юритилади. Агар битимда бухгалтерия ҳисобини чет эл

Буклаш чизиғи

деб юритилади). Унинг номидан битимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган иштирок этади;

конларни излаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни қазиб олишга ўз маблағларини, заём ёки жалб этилган маблағларни (мол-мулк ва (ёки) мулкий ҳуқуқларни) киритувчи инвестор.

5-модда. Фойдаланишга маҳсулот тақсимоти шартлари асосида бериладиган ер қазри участкалари
Фойдаланиш ҳуқуқи маҳсулот тақсимоти шартлари асосида бериладиган ер қазри участкалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Маҳсулот тақсимоти шартлари асосида фойдаланиш учун қидириш ва қазиб олиш шартларини оғир, фойдали қазилма захиралари мавжудлиги ҳали исботланмаган ҳамда геология-қидирув ишлари ўтказиш учун катта молиявий ресурслар, илгोर технологиялар ва техника жалб этилишини талаб қиладиган ер қазрининг истиқболли устасқалари берилади.

Қидириб топилган фойдали қазилмалар конларининг ер қазри участкалари қуйидаги ҳолларда битимларга киритилади:

қидириб топилган йирик фойдали қазилма конларини ўзлаштириш, шунингдек, уларни ташини объектлари қурилиши учун молиявий ва техник имкониятлар бўлмаган, уларнинг ўзлаштирилиши эса фойдали қазилмаларни қазиб олишни мақсадга натижаларини иқтисодий хавфсизлиги учун зарур бўлган даражада сақлаб туришни таъминлайдиган ҳолларда;

олинини қийин бўлган, ammo ҳажми ҳақиқатдан анча кўп, мураккаб кон-геология шартларидан жойлашган ва қазиб ишларни кетаётган конларнинг қолдини ҳисобланадиган фойдали қазилмаларнинг захираларини қазиб олиш учун махсус илгोर технологияларини жалб этиш

Киркиш чизиғи

публикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ваколатли давлат органи вазифаларининг бир қисми вакил қилинган компания зиммасига юклатилиши мумкин.

Вакил қилинган компания — маҳсулот тақсимоти шартлари асосидаги инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган соҳада фаолият олиб боруви ҳамда ҳуқуқат қарори билан битимни ижро этиш чоғида давлат номидан иш юритишга вакил қилинган юридик шахс — Ўзбекистон Республикасининг резиденти.

Вакил қилинган компания фақат хусусийлаштирилши мумкин бўлмаган давлат корхонаси ёки эллик бир фондан камийиши мумкин бўлмаган давлат уллушига эга корхона бўлиши мумкин.

8-модда. Битимни тузиш тартиби
Битим тарафлар белгилаган муддатларда, бироқ очик ким ошди савдолари натижалари эълон қилинганидан ёки инвестор билан ўтказилган тўғридан-тўғри музокара натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилганидан кейин узғоғи билан бир йил ичида тузилади.

Ер қазрини фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва ҳар бир ер қазри участкаси бўйича инвестор билан тузиладиган битимнинг лойиҳасини кўриб чиқиш махсус давлат комиссияси томонидан амалга оширилади. Махсус давлат комиссиясининг таркиби ва ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Битим лойиҳасини тайёрлаш чоғида ваколатли давлат органи ёки вакил қилинган компания томонидан инвестиция лойиҳасининг техникавий-иқтисодий асослари ишлаб чиқилади. Инвесторлар инвестиция лойиҳасининг техникавий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда иш-

Буклаш чизиғи

лашга доир чиқимлар ва унинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан шикастланиш эҳтимоли хавфи инвесторнинг зиммасида бўлади.

Битимни амалга ошириш мақсадида бошқарув кўмитаси билан келишган ҳолда инвесторларга вақтинча фойдаланиш учун (тасарруф этиш ҳуқуқисиз) давлатнинг ёки вакил қилинган компаниянинг мулк бўлган асосий фондлар (бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар) текинга бериб турилиши мумкин.

Барча бошлангич геологик, геофизик, геохимиявий, экологик ва бошқа ахборот, уни изоҳлаш натижалари ва ҳисода маълумотлари, шунингдек, битимга оид ишларни бажариш жараёнида инвестор томонидан олинган тоғ жинслари ва рудаларнинг намуналари, шу жумладан, керн, қатлам сувоқликлар давлат мулк ҳисобланади.

Инвестор битимда назарда тутилган махфийлик шартларига риоя этган тақдирда, ушбу модданинг тўғригина қисмида кўрсатилган ахборот, маълумотлар ва намуналардан битимга оид ишларни бажариш мақсадида текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ахборот, маълумотлар ва намуналардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, уларни Ўзбекистон Республикасининг ташқарига олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ битимда белгилаб қўйилади.

18-модда. Фойдали қазилмаларни ташини, сақлаш ва қайта ишлаш
Инвестор шартнома асосида қувор транспорти объектларига эркин кириб бориш ҳуқуқига, шунингдек, шартнома асосида қувор транспорти ва транспортнинг бошқа турлари объектларидан, фойдали қазилмаларни сақлаш ва қайта ишлаш объектларидан бирин-бир камситувчи шартларсиз эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Битимга оид ишларни бажариш учун зарур бўлган фойдали қазилмаларни сақлаш, қайта ишлаш ва ташини



Сой соҳили сўлим-сўлим... Тоҳирхон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат-ловҳа.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ 2001-2002 ўқув йилига

Table with columns for exam subjects (e.g., Биотехнология, Агрономия), application numbers, and scores. Includes a section for 'Табъим түрл: кундағи, Табъим типл: ўзбекча' and 'Йўналиш: 1004 - Доришunosлик (фармация)'.

Қбул комиссияси 1-ўқув йилига 2001 йил 29, 30 сентябрь ва 1 октябрда аризаларни қабул қилади. Бизнинг манзили: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Қбул комиссияси телефон рақами: 56-32-46.

